


№ 02-02/250
22.04.2025 й.



Навоий вилояти ҳокимлигида “Маҳаллаларда тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ҳоким ёрдамчиси” вакант лавозимлари учун номзодлар танлаш бўйича ўтказилган суҳбат жараёнининг БАЁНИ 6

2025-йил “17” апрель

Навоий шаҳри

- Раислик қилди:** - Р.Сулаймонов - Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари, комиссия раиси
- Таклиф этилган:** - А.Шакарров - Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлигининг Навоий вилояти филиали бош инспектори
- Иштирок этганлар:** - Л.Хайруллаев - Навоий вилояти Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бошқармаси бошлиғи, комиссия аъзоси,
Тегишли туман (шаҳар) ҳокимларининг биринчи ўринбосарлари (рўйхат бўйича)
Тегишли туман (шаҳар) Камбағалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш бўлими бошлиқлари (рўйхат бўйича)

Кун тартиби:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021-йил 3-декабрдаги ПФ-29-сон Фармони ижроси юзасидан Навоий вилоятидаги маҳаллаларда тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича “Ҳоким ёрдамчиси” вакант лавозимларини номзодлар билан тўлдириш бўйича танлов жараёнининг натижалари тўғрисида.

(Р.Сулаймонов, А.Шакарров, Л.Хайруллаев, ..., Р.Сулаймонов)

Аҳолининг тадбиркорлик ташаббусларини амалга оширишга молиявий кўмаклашиш, уларнинг даромадли меҳнат билан бандлигини таъминлаш механизмларини янада такомиллаштириш, маҳаллабай ишлаш тизимини янги босқичга олиб чиқиш орқали камбағалликни қисқартириш, Республика, вилоят, туман ва шаҳарларда кўрсатиладиган давлат хизматлари ва манзилли молиявий қўллаб-қувватлаш инструментларини бевосита маҳалла даражасига тушириш, уларга барча соҳаларда зарур шароит ва имкониятлар яратиб бериш давлат

сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021-йил 3-декабрдаги “Маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш бўйича давлат сиёсатининг устувор йўналишлари тўғрисида”ги ПФ-29-сон Фармони билан ҳар бир шаҳарча, қишлоқ, овулда, шунингдек, шаҳарлар, шаҳарчалар қишлоқлар ҳамда овуллардаги ҳар бир маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ҳоким ёрдамчиси лавозими жорий этилди.

Мазкур Фармонга мувофиқ, ҳоким ёрдамчиси лавозимига номзодлар тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари бошчилигидаги танлов комиссиялари орқали очиқ танловлар асосида ишга қабул қилиниши белгиланган.

Ҳозирда Навоий вилоятида 330 та ҳоким ёрдамчилари лавозимга тайинланган бўлиб, ўз фаолиятларини олиб бормоқда.

Айрим ҳудудларда танланган ҳоким ёрдамчиларининг малакаси, салоҳияти етарли бўлмаганлиги боис ўз фаолиятида ижобий натижаларга эриша олмаслик ҳамда ишдан бўшаб кетиш ҳолатлари кузатилмоқда.

Ҳозирда Навоий вилояти Кармана туман “Нарпай” МФЙ, Зарафшон шаҳар “Истиклол” МФЙ, Нурота тумани “Сайидато” МФЙларда ҳоким ёрдамчиси лавозими бўйича вакант мавжуд.

Жорий йилнинг 1-10-апрел кунларида “Ҳоким ёрдамчиси” вакант лавозимларини етарли билим ва малакага эга бўлган кадрлар билан тўлдириш бўйича очиқ танловлар эълон қилинди.

Танловда **143 нафар** (Кармана туман “Нарпай” МФЙга 113 нафар, Зарафшон шаҳар “Истиклол” МФЙга 16 нафар, Нурота тумани “Сайидато” МФЙга 14 нафар) номзодлар томонидан аризалар келиб тушиб, **21 нафар** (Кармана туман “Нарпай” МФЙга 13 нафар, Зарафшон шаҳар “Истиклол” МФЙга 7 нафар, Нурота тумани “Сайидато” МФЙга 1 нафар) номзодларнинг аризалари лавозимларга қўйилган малака талабларига жавоб бериши аниқланди ва тест босқичига чақирилди. Тест босқичида **17 нафари** тестдан белгиланган тартиб бўйича етарли балл олиб, суҳбат босқичига чақирилди. Суҳбатда **7 нафар** иштирокчилар вакант лавозимлар учун номзодлик қилишди.

Танлов якуни билан комиссия аъзоларининг якуний овоз бериш ҳулосаларига асосан йиғилиш

ҚАРОР ҚИЛАДИ

1. Кармана тумани “Нарпай” маҳалла фуқаролар йиғинида тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ҳоким ёрдамчиси лавозимига 3 ой синов муддати билан – **Бўриева Нодира**,

2. Нурота тумани “Сайидато” маҳалла фуқаролар йиғинида тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ҳоким ёрдамчиси лавозимига 3 ой синов муддати билан – **Мухаммаджонов Абдивохид**,

3. Зарафшон шаҳар “Истиклол” маҳалла фуқаролар йиғинида тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва

камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ҳоким ёрдамчиси лавозимига 3 ой синов муддати билан – **Хўжакулов Санжар** номзодлари тавсия этилади.

Танлов комиссияси аъзолари:

Навоий вилояти ҳокимлиги ташкилий
кадрлар гуруҳи раҳбари

Э.Авезов

Танлов комиссияси аъзолари:


Навоий вилоят Камбағалликни
қисқартириш ва бандлик бошқармаси
бошлиғи



Л.Хайруллаев

Танлов комиссияси аъзолари:

Кармана туман ҳокимининг биринчи
ўринбосари



Ш.Зайниев

Танлов комиссияси аъзолари:

Нурота туман ҳокимининг биринчи
ўринбосари



А.Бўриев

Танлов комиссияси аъзолари:

Зарафшон шаҳар ҳокимининг биринчи
ўринбосари



А.Шохмирзаев

Баёнлаштирди:

Навоий вилоят Камбағалликни
қисқартириш ва бандлик бошқармаси
Инсон ресурсларини ривожлантириш ва
бошқариш шўбаси бошлиғи:



Ш.Шадиева